



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 25 сентябрь, № 188 (4598)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 149-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **85-модда** иккинчи ва учинчи қисмларининг «а» банди чиқариб ташлансин;
2) **186-модданинг** биринчи қисми диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **186-модда** билан тўлдирилсин:
«186-модда. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш — хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;
2) **245-модданинг биринчи қисми «186»** рақамидан кейин «186» (ақдиз) маркази билан марказланмаган товарларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш ҳоллари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
3) **264-модданинг биринчи қисми «179»** рақамидан кейин «186» (ақдиз) маркази билан марказланмаган товарлар қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган ёки муомалага киритилган ҳолларда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
4) **287-модданинг 8-банди «176»** рақамидан кейин «186» рақами билан тўлдирилсин;
5) **291-модда биринчи қисмининг «д» банди «176»** рақамидан кейин «186» рақами билан тўлдирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 сентябрь
№ УРҚ — 182

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «ICTЕхро — 2008» ахборот-коммуникация технологиялари миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши ва барча соҳаларда қўлланилиши иқтисодийимизнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, ахборотлаштириш ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланиш имкониятини таъминлаш орқали бошқаруving турли жаҳаларида, иқтисодийнинг давлат ва нодавлат секторларида давлат билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг кенгайишига хизмат қилмоқда. Ахборот технологиялари ҳафтали-

(Давоми 2-бетда).

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИ

юрт тараққиёти, турмуш фаровонлигига хизмат қилади



ЯПОНИЯ ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИНИ ҚУТЛАЙДИ

Япония пойтахти Токиода Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз элчихонаси томонидан ташкил этилган анжуманда Япония сиёсий ва ишбилармон доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари, Токиода аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари, Жаҳон сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиш учун берга келган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси делегацияси иштирок этди.

Қатнашчилар юртимиз мустақиллиги кунини муносабати билан халқимизга ўз эзгу тилакларини ижор этди.

Япония иқтисодий, савдо ва саноат вазири, парламент депутаты Тошхир Никаи мамлакатимизнинг ютуқ ва муваффақиятларини таъкидлаган ҳолда, иқтисодий тараққиётнинг барқарор натижаларидан мамнуният ижор этди. Т. Никаи икки томонлама ҳамкорлиқни фаоллаштириш ҳақида гапириб, сўнгги йилларда Япония иқтисодий, савдо ва саноат, шунингдек, молия вазириларининг Ўзбекистонга ташрифлари бўлиб ўтгани, Тошкентда мунтазам равишда турли бизнес-форум-

Н. Охашия Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада ривожига тўхталиб, жумладан, шундай деди: «Япония сармоялари Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, экспорт маҳсулотларини диверсификациялаш ва ташқи савдо айланмаси ҳажминини кўпайтиришга қаратилган иқтисодий тараққиёт стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади».

Мамлакатимизнинг Осакадаги фахрий консули Тоширо Тоуранинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ўзи танлаган иқтисодий тараққиёт ва демократик жамият қуриш йўли нечоғли тўғри эканини исботлади. Фахрий консул республика жаҳоннинг кўпба мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиқни ишончли ривожлан-

тириб бораётгани ва иқтисодий ҳориқий сармояларни фаол жалб этаётганига тўхталиб, Т. Тоура Япония билан Ўзбекистон муносабатлари бундан кейин ҳам янада жадал ривожланиб боришига ишонч билдирди. Таъдбир давомида меҳмонлар эътиборига истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, шунингдек, халқимизнинг бой маданияти ва тарихий, сайёҳлик салоҳияти, тарихий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳўжжатли ва илмий-оммабоп фильмлар намойиш этилди. Махсус стендларда ўзбек миллий либос ва матолари, миллий чолғу асбоблари, шунингдек, халқ амалий санъати асарларидан намуналар намойиш этилди.

«Жаҳон» АА. Токио

Такдимот

Кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўзбек тилида чоп этилган юбилей нашрининг тақдими бўлиб ўтди. Маъмур марказ ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида амалга оширилган бу нашр кирилл ва лотин алифбосида алоҳида ҳолда босиб чиқарилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, бугунги кунда Декларация 360 дан зиёд тилга ўтирилган бўлиб, жаҳондаги энг кўп таржима қилинган ҳўжжат ҳисобланади.

Янги нашр Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Пан Ги Мун, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар Луиза Арбу, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг кириш сўзлари билан бошланган. Сифатли, илҳам ва қулай шаклда нашр этилган мўъжаз китобда инсон ҳуқуқлари аниқ ва содда тилда баён этилгани, бу ҳам анжуман иштирокчиларининг қизиқишига сабаб бўлди.

Маълумки, мустақиллик йилларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ўзбек тилида ярим миллиондан зиёд нусхада чоп этилган. Қолаверса, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин қўшилган дастлабки халқаро ҳўжжат айнан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эди. Утган йиллар давомида ушбу халқаро ҳуқуқий ҳўжжатнинг қондалари мамлакатимиз Конституцияси, миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топти.

Тақдимот иштирокчилари ушбу нашр Президентимизнинг жорий йил 1 майда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Таъдбирлар дастури тўғрисида»ги Фармониини хавфга татбиқ этиш йўлида амалга оширилган сайёҳаракат эканлигини таъкидлашди. **Зокир ҲУДОЙШУҚРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида юртимизда ўтказиларига таъминот технологиялари (АКТ) ҳафталиги доирасида икки кунлик медиа-форум ўз ишини бошлади.

Жамиятда ОАВнинг ўрни

Маъмур анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини кўлаб-қувватлаш жамоат фонди бўйича парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида таъминот этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар иштирок этишди. Айтиш жоизки, медиа-форум бу гал одатдагидан бошқачароқ тарзда бошланди. Жумладан, иштирокчилар дастлавлан мамлакатимиз бош майдонига ташириб буюриб, «Мустақиллик ва Эзгулик» монументига гуллар қўйишди. Шундан сўнг Шахидлар хотираси

(Давоми 2-бетда).

Тадбиркорнинг савобли иши

Учқудуқ шаҳридаги «Учқудуқ иссиқ нон» жусусий корхонаси Россиянинг Саратов шаҳридаги «Восход» фирмаси билан шартнома тузиб, «Прима-100», «ТЗ-4 М» ва «Муссон ротор-77» русуили усқуналарни харид қилиб, 70 хилдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришди. Хозирда корхона кунига 4 тонна сифатли нон маҳсулотларини хариддорларга етказиб бermoқда. Айни пайтда Учқудуқда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 48,5 фоизни ташкил этади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро туманидаги Работикалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қад рoстлаган саноат ва транспорт касб-хунар коллежида 270 нафар ўғил-қиз таҳсил олмақда.

Қишлоқда янги коллеж

Лойиҳа қиймати 2 миллиард 168 миллион сўм бўлган маъмур объектнинг тумандаги «47-кўчма механизациялашган жамланма» масъулияти чекланган жамияти курувчилари барпо этдилар. Коллежда саноат ва транспортнинг ўнға яқин йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наманган шаҳрининг Давлатобод ҳақасидаги қурилиши тугалланмаган меъёл ва ёғочни қайта ишлаш корхонаси ўрнида пахта толасини илга айлантирадиган «MPT TEXTILE» МЧК ҳориқий корхонасига асос солинди.

Йилига тўрт минг тонна калава ип

Туркиялик ҳамкорлар сармоявий маъмурият ҳисобига бепул берилган бинолар неғизда замонавий енгил саноат корхонаси барпо этиш лойиҳасини изчиллик билан ижросига етказмоқдалар. Утган давр мобайнида бу ерда 12,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ўзлаштирилди. Корхонада йилига 8 минг тонна пахта қайта ишланиб, тайёрланган 4 минг тоннадан зиёд калава ипнинг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилади.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда **847** километрик ичимлик суви тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг яшаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан қурилган аниқ чора-тадбирлар туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ўйларини ташлаб кетишди

Сомали пойтахти Могадишо шаҳридаги Африка тинчлик кучлари қароргоҳи жангарилар томонидан ҳужум уюштирилган.

Айғоқчи самолёт

Покистон ҳарбий кучлари мамлакат ҳудудига айғоқчилик мақсадида кирган АҚШ самолётини аниқлаган.

Мафияга қарши кураш

Италия ҳукумати мамлакат жанубига мафияга қарши курашиш учун 500 нафар аскарни жўнатишга қарор қилди.

Янги мусиқа ёзиш қурилмаси

«SanDisk» компанияси янги мусиқа ёзиш қурилмасини иختиро қилди.

«slotMusic» номини олган ушбу мосламанинг компакт-дисклардан фарқи жиҳати шундаки, улардан нусха кўчириш чекланмаган.

Қушлар ҳимояга муҳтож

Сўнгги ўн йилликда қушларнинг қўллаб турлари 45 фоизга камайиб кетгани кўзатирилган.

Бу маълумот Қушлар ҳаёти (BirdLife) табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан эълон қилинди.



Мижозлар эътирофи

Тадбиркор Анархон Мамадалиева «Самарқанд-Зингер» корхонасини хусусийлаштириб олганига уч йилдан ошди.

Кредитлар тараққиётга хизмат қилмоқда

Республикамиз Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон, Тайлоқ, Нуробод ва Қўшарбот туманларида миқробанклар фаолиятини йўлга қўйди.

Имтиёз имконият яратди

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз Президентининг «Шу оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан ёш оилаларга 645 миллион сўм миқдорда имтиёзли истеъмол кредитлари.

туманимиз ҳудудидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарга шартнома асосида махсус иш кийимлари етказиб бермоқда.

«Микрокредитбанк»: ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ


«Микрокредитбанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Олим Бахриев. — Ҳозирги кунда жами 8 та филиал ва 26 та минибанкнинг мижозлари мажбуриятлари қўллаб-қувватлаш учун микрокредитлар бериш йўлга қўйилган.

Омонат турлари кўпаймоқда

Банкнинг вилоят бошқармасида пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валюта-ни мустақамлаш ва муомаладаги нақд пул маблағларини қисқартириш бўйича ҳам ушбу ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарлар қандай наф бермоқда?

Жойларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, ҳусусан, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микро-молиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш йўлида хизмат қилиш банк жамоасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.



«Микрокредитбанк»: ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Миллион сўм миқдорда кредитлар берилди.

Семинарлар қандай наф бермоқда?

Жойларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, ҳусусан, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микро-молиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш йўлида хизмат қилиш банк жамоасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Имтиёз имконият яратди

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз Президентининг «Шу оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан ёш оилаларга 645 миллион сўм миқдорда имтиёзли истеъмол кредитлари.

Омонат турлари кўпаймоқда

Банкнинг вилоят бошқармасида пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валюта-ни мустақамлаш ва муомаладаги нақд пул маблағларини қисқартириш бўйича ҳам ушбу ишлар амалга оширилмоқда.

Фоииз ставкаси йиллик 26 фоиз, муддати — 3 ой. Фоииз суммаси олинмаса, омонатга қўшилиб борилади.

Пластик карточка — қулай тўлов манбаи

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Микрокредитбанк» АТБнинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан 9862 дона пластик карточка эмиссияга чиқаририлган.

Омонат турлари кўпаймоқда

Банкнинг вилоят бошқармасида пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валюта-ни мустақамлаш ва муомаладаги нақд пул маблағларини қисқартириш бўйича ҳам ушбу ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарлар қандай наф бермоқда?

Жойларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, ҳусусан, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микро-молиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш йўлида хизмат қилиш банк жамоасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Имтиёз имконият яратди

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз Президентининг «Шу оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан ёш оилаларга 645 миллион сўм миқдорда имтиёзли истеъмол кредитлари.



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25 232-10-63 242-хона

Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

- 2008 йил 9 октябрь кунин соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-ўйда ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига қўйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2008 йил 20 майдаги 1831/1/2/3-сонли ижро варақаларига асосан, Хива тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан хатланган, фойдаланган қўлдан тўқши фабрикасининг бино ва иншоотлари: 1. 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони — 872,6 кв.метрни ташкил қилган, ишлаб чиқариш цехи биноси. Бошланғич баҳоси — 220 543 628 сўм. 2. Хива шаҳар, Обводная кўчаси, 6-ўйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 589,71 кв.метрни ташкил қилган цех биносининг бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 57 784 765 сўм. 3. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 3 июндаги 1853-сонли ва 2008 йил 26 июндаги 1950-сонли ижро варақаларига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан хатланган, «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳар, Ашхобод кўчаси, 200-ўйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 704,93 кв.метрни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 87 194 746 сўм. 4. Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилиги томонидан хатланган, «Хоразм автойўли» махсус йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган қўйидаги мулклар: 1. Урганч шаҳар, Бинокор кўчаси, 1-йўлак, 8-ўйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони — 1382,27 кв.метрни ташкил қилган, 20-километрлик меҳмонхона типида қурилган, 2 қаватли турар жой биноси. Бошланғич баҳоси — 527 761 524 сўм. 2. Урганч-Хива йўлининг 1-километрда жойлашган, 2 қаватли 3 корпусдан иборат меҳмонхона биноси ва ёрдамчи ҳўжаликлар мажмуаси (янги меҳмонхона биноси, меҳмонхона биноси ва бостирмаси, соғломлаштириш комплекси ва дам олиш биноси, гараж биноси ва бостирмаси, қоровулхона биноси, қозонхона биноси, ёрдамчи биноси, омборхона биноси, қолбаса цехи биноси, қўйхона, молхона бинолари ва бостирмаси, темир бостирма, айвонча, бассейн, асфальт майдон, девор, фонтан, дарвоза, ҳўжатхона, фанар ва трансформатордан иборат). Бошланғич баҳоси — 325 762 146 сўм. Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк» «Тинчлик» филиали, МҲФ: 00580, ИHN: 200933850. Лицензия: ДВ 001 №0000004. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64.

ҚАЛЪДАГИ ҚЎШИҚЛАР

Шўрчи мусиқа мактаби ўқувчиларининг сони 155 нафар. Аслида бу ерга аллақачон ўқувчилик ёшидан ўтганларнинг ҳам келиб мен дўмбира, рубоб, най чалиш-ни урганмоқчиман деб туриши, вақт топиб сабоқ олишга қатнашиши ибратли.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

- I. Аукцион савдосига, Тошкент вилояти, Тошкент тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан ЖИБ Қибрай тумани судининг 2008 йил 9 июлдаги 1-252/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «VOLVO FH-12» русумли, д/р Х676СРН бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 28 октябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. II. Шунингдек, 2008 йил 14 октябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 январдаги ЖСК-1-687-06-сонли ижро варақасига асосан, хатланган Ўзбекистон Республикаси МХХ жарима майдончасида сақланаётган, «Тойота-Лексус ЛХ-470» русумли, давлат рақами 3005505 бўлган 2001 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 106 920 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»и С.Рахимов филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МҲФ 00901, ИHN:200933850.

«ЕВРОМЕТАЛЛ-ОСИЁ» ҚҚ ХАЛҚА, ОЛТИҚИРРАЛИ Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар ст. 3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст. 08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм ЗАНГЛАМАЙДИГАН РУЛОНЛИ ТАСМА Қувурлар: 25х2,0, 57х3,0, ст. 12Х18Н10Т. Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст. 12Х17, ст. 08Х18Н10, ст. 12Х18Н10Т МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ («ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» маҳсулоти) Тошкент шаҳридаги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг assortименти доим мавжуд Тошкент ш., Бобур к., 87/1-«Б» уй. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.). E-mail: vklim 70@mail.ru

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ TOYOTA ва LEXUS русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади. «Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиш 30 минг км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиш 50 минг км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг. Автосалон манзили: Тошкент ш., Беруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

«INTEGRALASIA» 17" мониторли Р4 компьютерлари Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида. Тошкент ш., «Фаргона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26. Товар сертификатланган. e-mail: safe@onlineuz.net www.integral-asia.com

Манзил: Тошкент шаҳри, С. Рахимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52, www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №0000004

АШХОБОДДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги элчихонасида пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган «Тошкент — Ўзбекистоннинг сайёҳлик марказларидан бири» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Туркменистонда фаолият юритаётган етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда икки қўшни давлат раҳбарларининг олий даражадаги ўрашувларида ҳамда имзоланган икки томонлама ҳужжатларда гуманитар соҳада, хусусан сайёҳлик борасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш юза-

доражада эътибор қаратилаётганидан далолат бериши таъкидланди.

Тошкент — бутун дунёга машҳур олим ва уламолар шаҳри. Кафол Шойи, Шайх Хованд Тоҳур, Хожа Аҳрор Валий, Баҳриддин Чочий, Ҳофиз Кўҳақий, Абубакар Шойи каби кўлаб алломулар пойтахтимиз тарихида муносиб из қолдирган.



Биз ва дунё

сидан келишиб олинганлиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари эътиборига Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, ортимизда бу борда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, хорижий сайёҳлар учун яратилаётган қўлай шарт-шароитлар хусусида атрафлича сўзлаб берилди. Жумладан, келгуси йили юртимизда нишонланган режалаштирилган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида бу ерга сайёҳларни кенг жалб этиш бўйича қатор муҳим вазифалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Туркменистон сайёҳлик компаниялари вакиллари мазкур давра суҳбати аҳамиятини юқори баҳолаб, жорий йилнинг 16-17 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат» номида халқаро сайёҳлик ярмаркасига иштирок этиш истagini билдирдилар.

«Жаҳон» АА.
Ашхобд



Осиё чемпионлар лигасида илк бор қатнашаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси ўзининг муваффақиятли ўйинлари билан ўзбекистонлик миллионлаб футбол ишқибозларини хушнуд этмоқда.

Эсингизда бўлса, муҳлислар томонидан «Қалдирғочлар», деб эътироф этилаётган Миржалол Қосимов шогирдлари чорак финалнинг дастлабки учрашувини Тех-

ларидан ташаббусни ўз томонига оғдириб олган футболчиларимиз рақиб дарвозаси томон кетма-кет хавфли ҳужумларни уюштира бошлашди. Унинг дақиқада

да футболчиларимиз тепган тўп яна «Сайпа» ҳимоячилари қўлига теғди. Бу сафар жарима тўпини Ривалдо бехато амалга оширди — 3:0. Иккинчи бўлим ҳам



«БУНЁДКОР»НИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

ронда «Сайпа» жамоасига қарши ўтказиб, 2:2 дуранг натижага эришган эди.

24 сентябрь кuni пойтахтимиздаги МХСК стадионидagi жавоб учрашувидa «Бунёдкор» «Сайпа» жамоасидан хар томонлама оустин эканлигини намойиш этди. Албатта, шу кuni стадионга таширй буюрган минг-мингла кўли муҳлислар ва мутахассислар ҳамюртларимизнинг ғалаба қозонишига астойдил ишонинганди. Лекин ҳеч бўлмастган ҳолда «Бунёдкор» жамоасининг хар бир аъзоси майдонда бир тану бир жон бўлиб харакат қилди. Айниқ-

Сервер Жепаров ошириб берган тўпни Ривалдо боши билан Вильянуэва томон йўналтирди. Чилилик футболчи уни чиройли тарзда дарвозага киритди, ҳисобни очди — 1:0. Ушбу голдан рўҳланган футболчиларимиз яна ҳужумга зўр беришди. Ун олтинчи дақиқада мекхмонлар ҳимоячиси тўпни кўли билан тўхтайтиб қолди. 11 метрлик жарима тўпини Вильянуэва бехато бажарди — 2:0. Шундан сўнг мекхмонлар ўйинида пала-партишлик сезила бошлади. 45-дақиқага келиб, жарима майдони-

«Бунёдкор» жамоасининг тўлиқ устунлигида ўтди. Вильянуэва ва Луизао томонидан киритилган икки-

Хушхабар

та тўпга рақибларимиз битта гол билан жавоб қайтаришди, холос. Яқуний натижа 5:1 — «Бунёдкор» ярим финалда.

Қисқача айтганда, шу кuni «Бунёдкор» жамоасининг хар бир аъзоси майдонда бир тану бир жон бўлиб харакат қилди. Айниқ-

са, умидли ёш футболчимиз Жасур Ҳасановнинг фаоллиги алоҳида сезилиб турди.

Ўзбек футболу юлдузи Миржалол Қосимов кеча «Бунёдкор»ни сўнгги бор бош мураббий сифатида майдонга олиб тушди. Хабарингиз бор, Миржалол Қосимов бир неча кун олдин Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланганди. Умид қиламиз, Миржалол Қосимов бу вазифани ҳам шараф билан бажарарди. «Бунёдкор»нинг интернетдаги махсус сайтида ёзилишича, жамо-

ага бразилиялик тажрибали мутахассис Зико бош мураббий этиб тайинланиши мумкин. Кеча Тошкентга келган Зико «Бунёдкор» — «Сайпа» учрашувини бевосита МХСК стадионида кузати.

Энди «Бунёдкор» ярим финалнинг дастлабки учрашувини 8 октябрь кuni сафарда Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» жамоасига қарши ўтказди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ноқонуний дисклар йўқ қилинди

Сурхондарё вилояти маъмурий органлари ва Давлат солиқ хизмати ходимлари кино-видео маҳсулотларини ишлаб чиқариши, кўпайтириши, дублаж қилиши, сотиш ва уларнинг прокатига доир турли қонун бузилишлари олдини олиш чора-тадбирларини қўлламоқдалар.

Чунончи, Термиз шаҳар ҳудудида кино-видео маҳсулотларини ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан 7 мингдан ошмиқ


қўлбола дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Кунги кеча қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан маъму-

рий жаза чоралари қўйилгани, олинган далилий ашёлар тегишли тартибда суд қарорларига асосан йўқ қилинди.

— Асосий мақсадимиз ноқонуний даромадларга, турли хил шарм-хаёсиз ва диний-экстремистик ақидаларга даъват этувчи қўлбола дискларнинг тарқалишига қарши курашдан иборат, — дейди биз билан

Тадбир



суҳбатда департаментнинг Термиз шаҳар бўлими бошлиғи Абдусалом Хўшбоқов. — Бундай тадбирни хар чоракда ўтказиб бораёмиз.

Г. САИДАЛИКОВ.

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 6 сентябрдан 19 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Автобензин ва дизел ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акция солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 29 августдаги 52-сонли буйруғи.
2. «2008 йил 5 сентябрда 1952-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 сентябрдан қучга қиради)»
2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 1 августдаги 56, 73, 93-01/19-3822, 01-02/8-46-сонли қарори.
- 2008 йил 9 сентябрда 1853-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 сентябрдан қучга қиради).
3. «Фирма касалика қилинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касалилиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қондиларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 13 августдаги 12, 9-сонли қарори.
- 2008 йил 9 сентябрда 1854-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 сентябрдан қучга қиради).
4. «Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сонли буйруғи.
- 2008 йил 9 сентябрда 1855-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 сентябрдан қучга қиради).
5. «Ўсташ капиталда давлат акциялари пакетни (ўлшурлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкони бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2008 йил 15 августдаги 01/12-18/08, 75-сонли қарори.
- 2008 йил 9 сентябрда 1668-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 сентябрдан қучга қиради).
6. «Шифокор рецетивисиз сотиладиган доры воситаларининг рўйхати ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 29 августдаги 390-сонли буйруғи.
- 2008 йил 9 сентябрда 1730-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 сентябрдан қучга қиради).
7. «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2008 йил 10 сентябрдаги 195-м-сонли буйруғи.
- 2008 йил 10 сентябрда 1856-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 сентябрдан қучга қиради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Автобензин ва дизел ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акция солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1777, 2008 йил 6 март).
- Адлия вазирлигининг 2008 йил 5 сентябрдаги 189-м-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхати, 1 ва 2-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1242, 2003 йил 21 март), (рўйхат рақами 1242-1, 2003 йил 29 август), (рўйхат рақами 1242-2, 2007 йил 28 март).
- Адлия вазирлигининг 2008 йил 9 сентябрдаги 190-м-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.
3. «Маҳкумларни касалилиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш тўғрисидаги буйруқ. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1002, 2001 йил 7 январь).
- Адлия вазирлигининг 2008 йил 9 сентябрдаги 191-м-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.
4. «Ўзбекистон Республикаси мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низоми. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1000, 2000 йил 30 декабрь).
- Адлия вазирлигининг 2008 йил 10 сентябрдаги 195-м-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мажбурий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси «3-Автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мирёқуб Тулагановга акаси **ЖУРАБОВ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Гўзаллик ва нафосат саройи

Вилоят марказидаги Ёшлар шаҳарчасида Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги гимнастика саройи ўз фаолиятини бошлади.

Каттагина бинони мослаштириш, таъмирлаш ишларига 110 миллион сўм сарфланган бўлса, уни жиҳозлаш учун Республика болалар спорт жамғармаси 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратди. Бу ерда ҳозир Жиззах шаҳри, Жиззах ва Пахтакор туманлари бадиий ва спорт гимнастикачилари машғулот ўтказмоқдалар.

Баҳриддин САПОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл курилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас. «МАЗ» ва «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.
Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «В Мирт» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

SMSга имзо чекинг

SMS-Имзо хизмати

SMS-Имзо — ўз исмингиз ёни pick билан SMSга имзо чекинг, имзоингиз дўстингизга телефон рақамингиз ўрнига кўринади

SMS-Имзо «SMS-Экстра» хизматининг сервислар рўйхатига киради

«SMS-Экстра» хизматларига улашниш учун *146*1# рақамига кўнгирақ қилиш керак
«SMS-Экстра» хизматлари *147# → портал орқали бошқарилади

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229, Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термини ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммаддин Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусахҳах — Ҳ. Тошхўжаев.

Тошпирилди — 21.50 1 2 3 4 5 6 7